





Ислохот қирралари

«ШОПИР»ДАН ЧИҚҚАН ФЕРМЕР

СУСАМ қишлоғида Эргаш Матқобиловни ҳамма танирган. С.Рахимов номли жамоа хўжалиги раиси Соғлом Бодашов ҳам унинг номини биринчилар қатори тилга олади.

— Ҳа, машина ҳайдаб юрган энг яхши шоферларимиздан эди, — дея ҳикоя қилади у. — Яқинда олдимиға келиб, «раис ака, қачонгача шу «шалок арава»ни судрайман, ер берсангиз, деҳқончилик қилсам», деди. Мен ҳам кўп ўйлаб ўтирмадим. 40 гектардан ортиқроқ ташландиқ ер бориди, ўшани кўрсатдим. Суониб кетди. Кузлаёқ ҳаракатни бошлаб юборди...

Раис гапини тутатмасдан, хонага Эргаш Матқобилов кириб келди. У билан пиёда кишлоқ оралаб, далага йўл олдик. — Деҳқончилик — бизга ота касб, — дея гап бошлади Эргаш. — Девлай бўлиб машина ҳайдаб юриш ўзимга ҳам эриш туйилаётганиди. Шартта раиснинг олдига бордим. У киши таклифни қабул қилди. Шундай қилди кишиларим юришиб кетди...

Айни куз пайти эди ўшанда. Аммо хўжаликда бугдой уруғи қолмаган экан. Уни Эргашнинг ўзи Ангрэн шаҳар бозоридан сотиб олди. Гарчан ер ҳайдалган бўлса-да, унинг ҳолати Эргашни қаноатлантирмади. Трактор рудига ўзи ўтириб, қайтадан шудгор қилди, молалади ва ҳар гектар ерга 220 килограмдан сараланган уруғ сепади. Галла ниш уруши билан сугорди, сўнгра қорбамид билан бир марта дориллаб чиқди. Яна бир марта сув куйди. Бу ўтган йил кузгаги ишлар эди. Эрта кўламада галлазор яна икки марта сугорилди, дори тушмаган ерларга яна кўл билан сепади.

Эргаш билан унинг галлазорига борганимизда икки йигит даланинг атрофида айланиб юришарди. Булар галлазорни аҳолининг молидан қўриқлаётган экан. «Ҳар туп майсада олти-еттита бачки шохчалар бор, майсалар эса тиззага уради. Мен Оҳангаройнинг жуда кўп хўжаликлариди галлазорларни кўр-

ганман. Аммо Эргаш Матқобиловнинг даласиди галла ҳаммасидан аъло эканлигига ишондим.

— Ҳосил қандай бўларкин? — дея сўрайман Эргашдан. — Ҳозирча, 45 центнерни мўлжаллаган эдим, кеча хўжалигимизнинг бош ҳосилоти келиб, камида 50 центнердан ҳосил оласиз, дедилар. Ҳар ҳолда у киши мутахассис, яхши билади деҳқончиликни, — деди Эргаш.

— Ҳали яна парвариши бор бўлса керак? — Албатта, яна бир марта дорилаймиз, сўнгра икки марта қондириб сугорамиз. Июнь ойининг бошлариди, тахминан 5 июнда уроққа тушамиз, деган ният бор.

Биз галлазорнинг остки томонларига экилган пиёз пайкалига ўтдик. Ҳар пиёзларки, кишининг ҳаваси келди.

— Яна камида йигирма кундан кейин бемалол буларни сотувага чиқарса бўлади, — деди Эргаш. — Биласизми, мен илгари уйда, томорқага пиёз экиб юардим. Кўплар пиёзни августда экишни тавсия қилишарди. Лекин августда экилган пиёз апрель ойидаёқ ўзақ чиқариб, истеъмолга ярамай қолади. Агар билсангиз 19 сентябргача экилган пиёз ҳам кўпчила ўзақли бўлади. Табиатнинг созлиғини қарангки, пиёзни, айниқса, кузги пиёз уруғини 22 сентябрдан кейингина сепиш маъқул экан. Агар парвариши яхши бўлса, апрелнинг охирида бемалол етилди. Биз ҳам худди шундай қилганмиз, — дея у ердан икки бош пиёзни олиб кўрсатди, ҳар бирининг боши ўртача тухумдай келди. — Яна бир марта сугорамиз-да, кейин топширишни бошлаймиз.

— Харидор борми? — Кўздаёқ туман матдубот жамияти билан шартнома тузганмиз, кечагина уларнинг вакили келиб кетди.

Эргаш Матқобиловнинг даласини айланиб юриб, бир

нарсига ишонч ҳосил қилдим. Тер тўқканга ер тўқар экан. 30 гектар ердаги бугдойзоори, уч гектарга ўтган йил кузда экилган пиёзларнинг авжи кўзни қувонтиради, ҳозиргача ўтоқдан чиқарилган. Минерал ўғитлар ўрнига гектарига 17 тоннадан кўйининг эски қийилардан сепилган экан.

Эргашнинг муваққат дала шийпониди ҳам бўлди. Атрофида редиска, укроп, кашнич, райхон, сувғоғозлар остига бодринг ва бошқа ошқўклар экилибди. Бурчаклагани қозикча нимта кўйи гўшти осилган. Демак, бу ерда тушликда қора қозон гўштиёз қайнамади.

— Агар галлани ўн бешинчи июнга қўйиб, янчиқ олсак, дарҳол ерни сугориб шудгорлаймиз. Ундан олдин бироз гўнг сепамиз, хўв анови тутнинг ёнида элик тоннадан кўпроқ қий бор, ўшани селиб ҳайдаймиз-да, кейин 20 гектарига маккажўҳори, 5 гектар ерга кечки картошка экимай, пиёздан бўшаган ерга эса ўртаги картошка экиш ниятимиз бор. Хуллас, кечагина устимдан қилиб «шу шопир боланинг қўлидан деҳқончилик келармиди», дея мени камситиб юрган эски бригадирларга деҳқончилик қанақа бўлишини кўрсатиб қўймоқчиман...

Биз дастурхондан тураётганимизда бригаданинг ҳамма аъзолари — Урозали Худойбердиев, Шавкат Ақромов, Ҳайрулла Матқобиловлар ҳам аста-секин қўриб келишди. Уларнинг юзларида ўз ишларидан мамнулик кайфиятларини илғадим. Улар билан ҳайралишиб, яна дала ёқалаб йўлга тушдим. Майсаларга тикилиб, ўйга толдим: Деҳқон — унвонсиз олим. Меҳнатқашу камсуқумликда, ер илмини билишда унга тенг келадигани йўқ. Чунки, у ўз ақл-фаросати, меҳнати билан бир парча ерда ўзидан ортиб, юзлаб одамларга ризқ бўладиган неъмат яратди.

Мўмин ҚАЮМ, «Халқ сўзи»нинг жамоати мухбири.

Луқма

Биз журналистлар кўлага қалам олганда обдон ўйлаб, айтиладиган сўзларимизни дала-исботлар билан асослаб, фикр-мулоҳазаларимизни аниқ ва очиқ баён қилишимиз зарур. Энг муҳими, газетанинг ёки радиотелевизиони чақитмаслигимиз керак. Акс ҳолда ўзимизни ўзимиз фож қилиб қўямиз. Мен нима дейману, кўбизим нима дейди деганларидек, яқинда «Озодлик» радиосидидагилар шу йил 3 март куни «Халқ сўзи» газетасида босилган менинг «Ният холис бўлмагач ёки «Озодлик» радиоси уйдирмаларига жавоб» сарлавхали мақоламга холисона муносабат билдириш ўрнига унда кутаришган мавзу бир четда қолиб, гина-қудуратни бутунлай бошқа йўналишга буриб юборишди.

Мақолада мен кейинги пайтда «Озодлик» радиосининг ўзбекча ҳамда русча эшиттиришларида ўзбекистонда руслар камситилаётганлиги, улар мамлакатимиздан «очиб» кетаётганлиги, Россиянинг «демократик» матбуоти уларни ҳатто Чеченистондаги қочоқлар билан тенглаштираётганлиги ҳақидаги тухматлар, фарзли мақсад қўзланган иғворона чиқишлар қучайтириб юборишганлигига эътиборни қаратиб, бундай уйдирмаларга далил-исботлар билан жавоб берган эдим. Мақолаимнинг мазмун-моҳияти бошдан-оёқ ана шу мақсадга бўйсундирилган.

Шу йил 20 апрель куни «Озодлик»нинг эшитиб ҳайратдан ёқа ушладим. Фақат мақолаимнинг сарлавхасини тўғри айтишди. Уёғи шовшан ўрдакка ўкшаб ҳам бош билан, ҳам дум билан шўнгиб кетишди. Кўпинча «Озодлик» минбари маъноси ноаниқ, шахси номаълум кишиларга ёки кунда-кунро интервьё бераётган навбатчи «муаллифларга» берилади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Қандайдир Мурод Қобил деган «тингловчи» менинг мақоламга «муносабат» билдирди. Аслида бун муносабат эмас, аламзадалик баёноти дейиш мумкин. «Озодлик» радиосининг шарҳида ҳам, ўз фикрини эфир орқали эшит-

тиришни қаттиқ илтимос қилганлардан бири Мурод Қобилнинг (агар шундай одам бор бўлса) лидийёсида ҳам руслар нега ўзбекистондан қочаётган-

лиги сабаблари ҳақида бир оғиз сўз айтилмади. «Муносабат» даблуруддан ҳақоратомуз сўзлардан бошланди. Дастлаб Брежнев давридаги ўзбекистон билан ҳозирги ўзбекистон қиёсланади ва беандишалик билан шундай фикр баён қилинади: «...Илгариги мақола-ларда коммунистик ўзбекистон обрўйи ҳимоя қилинган бўлса, бу мақолада гўё мустақил ўзбекистон шарафи ҳимоя этилган. Моҳият эса бир хил. У ҳолатда ҳам, бу ҳолатда ҳам бўзғичага жиноятта ботган ҳукумат манфаатлари ётади».

Нафрат ўрнини устамонлик эгаллайди. Менинг айрим руслар ўз авлод-аждодалари юртига қўнишлари табиий жараён эканлиги ҳақидаги фикрим устамонлик билан хоржта кетиб қолган аламзада ўзбекларга буриб юборилди ва шундай ҳулоса чиқарилади: «Айтгандай, диктатура, террор, зулм ҳукм сурётган ўлкада бу шубҳасиз табиий жараёнлир». Бу гапларда фарзли мақсадига

эриша олмай хоржта қочиб кетган собиқ юртдошларимиздан бирининг таънаси акс этиб турибди.

Россиянинг «демократик» матбуоти «Озодлик» учун асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Ана шу матбуот ўзбекистонда жиноятчилик қарши кураш қучайиб бораётганлиги ва жиноятлар қамаяётганлиги ҳақида такрор-такрор ёзаётган. Россия ҳукумати ҳам бунини эътироф этган бир пайтда «Озодлик»нинг «ишончли» тингловчиси юзсизларча «бугун республикада юз бераётган барча қонунсизликлар, талон-та-

«Озодлик»нинг шарҳида ҳам гина-қудурат бор. Агар «Озодлик» ёмон бўлганида унинг иккита холими ўзбекистоннинг мукофотини олмаган буларди дейилган. Аввало шунини унутмаслик керакки, ҳар бир ижодкорга (олимини, ёзувчиси, журналисти, қимлигини қатъий мукофот у бирорта ило-рала ишлаётгани учун эмас, балки у яратган аниқ асар учун берилади. Шу жумладан, сизлар эслатиб ўтган «Озодлик»нинг собиқ холими Бобокурбон (Туркистонли Жомбой)га ҳам. Умуман, «руслар ўзбекистондан қочаяпти», дея

риман. Биз кўр-кўрона эмас, ҳамдустликдаги ақсарият давлатларнинг ҳол-аҳолини кўриб-билиб туриб шукур қилишимиз.

Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар, дейди халқимиз. Сизлар «Москвадаги таржимон-шоир ҳамқорингиз»ни ҳимоя қилибсанлар. Бу одам илгари «ўзбеклар камситилапти» деб қуйлашни яхши кўранди, энди эса «руслар камситилапти» деган қўшиққа жүр бўлиётган экан, нима ҳам дерлик, қўёғани ўзгаририш мунофиқлик. Мунофиқлик эса кўрнамаликка, охир-оқибатда ватанфуршликка ундайди.

Аламзада тингловчи «Озодлик» радиоси номидан гапириб шундай дейди: «Норматовлар шунин билсинларки, «Озодлик» ҳеч қачон ўз эшиттиришларини вужуд-вужуди билан қўлига остида яшашни истайилган манкуртлар учун мўлжалламаган».

Билмасангиз билиб олинг, манкурт — бу ўз миллатини, имон-этиқодини, Ватанини, маънавиятини унутиб, ўз иродасини ўзгалар иҳтиёрига бериб қўйган инсон. Худода шукр, биз ўз Ватанимиз бағрида, ўз халқимиз орасида, ўз имон-этиқолимиз оғушида, авлод-аждодаларимиздан мерос бўлиб қолган шарқона маънавият мезонлари асосида яшаб, ўзимизнинг бутун эъгу-мақсадимизни ўзбекистон дег атамимиз келажаги буюк давлатнинг манфаатларига бахшида этганмиз. Ҳар бир манфаатли деб, ўз халқ орасида низо чиқариш мақсадида ногора қоқаятган манкуртлардан худо асрасин!

Шундай, азизлар, санамай саккиз деманг. Акс ҳолда мулзам бўлиб қолаёиз.

Иброҳим НОРМАТОВ, журналист.

САНАМАЙ САККИЗ ДЕМАНГ


роҳ ва жиноятлар айнан ин-формациянинг йўқлиги» туй-файли содир бўляпти дея фол-бинлик қилади. Энди бугунги эшитинг: «Норматовлар ҳам бугун ватан деганда ўзлари хизмат қилаётган тузумини на-зарда тутадилар». Ҳў, тўхта, ба-рака топкур, ўзи мақола нима ҳақида эди, дейдиган азамат йўқ, Эссиз эфир вақти! «Озод-лик»даги ҳамкасблар орадан бир ярим ой ўтиб «ҳозиржа-воблик» қилганликлари яхши, аммо санамай саккиз дейдиган муаллифга сўз бериб лода қо-лишнинг чакки бўлипти-да!

Афтдан, эфирга чиқибдан олдин унга мақолаини ўқитиб олишни ҳам унутинган кўри-нади. Афсус, ҳеч бўлмаганда Россиянинг ўзбекистондаги элчиси — Ф. Сидорскийнинг ўзбекистон матбуотида босил-ган мақоласи мазмуну билан таништиришлари зарур эди. Акс ҳолда менинг мақоламда кўтарилган масала бир четда қолиб, муаллиф бошқа томонга ўтлаб кетмаган бўларди.

айюханнос солаётган экансиз-лар, бунинг Туркистонли Жом-бойга нима алоқаси бор? Ме-нинг билишимча, у киши «Озодлик» радиосидан ўз вақ-тида, Ватанга қарши ноўрин гаплар айтмаслик мақсадида кетди. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг Тур-киятга охири сафари вақтида Туркистонли Жомбой ўзбеки-стон телевидениеси муҳбирига берган интервьюсида Ватани, халқи ҳақида, ўзбекистоннинг истиқболли, ҳукумат амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсат ҳақида жуда самимий гапларни айтди.

«Озодлик»нинг баъзи бир чиқишлари билдираётган му-носабатларим, айрим уйдирма-ларига бераётган жавобларим бир ёқдамаликдан бутунлай хо-ли. Бошқа юртдошларим син-гари мен ҳам ўзбекистондаги воқелик миллий бирлик ва то-тувлик, мустақилликни авайлаб-асраш ва шарқона маънавият нуқтан назаридан холисона ёритилиши тарафдо-

Шофирқон туманидаги «Ҳайдаробод» жамоа хўжалиги деҳқонлари ўтган йил пахтадан юкори ҳосил етиштирган эдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 42 центнерни ташкил этди. Бу йил ҳам мўлжаллаган режани бажариш чоралари кўрилмақда. Бугунгача хўжаликда 600 гектардан ортиқ майдондаги гўзаларга ишлов бериш бошланди. Ҳозир 400 гектар майдондаги гўза янадан чиқди. СУРАТДА: участка агрономи Барно Саноев 3-бригада пахтакорлари билан суҳбатлашмоқда. К. КАРИМОВ суратга олган.



ИККИНЧИ ДАҲА БОШЛАНДИ. Фарғоналик пиллакорлар бу йил Италиядан келтирилган ўн беш миңг қути ипак қурти уруғини боқяшлар. Боғлод, Риштон, Учқўприк, Тошлоқ туманларида жонворлар иккинчи ўнга ўтди. Мутахассисларнинг айтишича, хорридан келтирилган ипак қуртининг ҳар қутисидан 70 килограмдан ортиқ ҳосил олиш мумкин. Шу боис ўзбекистон шароитида биринчи марта боқилаётган ана шу уруғ тақри-бали пиллакорларга ишониб топширилди. (ЎзА).

ДИҚҚАТ!

"Ўзбеккўмир" фирмаси

ташкilotларга, аҳолига Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларидаги улгуржи-чакана, ёнилғи-савдо корхоналари омборларидан кўмир сотиб олишни таклиф қилади. Тўловлар нақд пулга, пул ўтказиш йўли билан ҳамда маҳсулот айрибошлаш усулида амалга оширилади.

Бизнинг телефонларимиз:

Table with 4 columns: Region, Phone numbers, Region, Phone numbers. Includes entries for Нукус, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қарши, Наманган, Навоий, Гулистон, Самарқанд, Термиз, Фарғона, Урганч, Тошкент.

TOHKENT ASBOBСОЗЛИК КОРХОНАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА ТАКЛИФ ЭТАДИ: ЭШИККА УЙИБ ЎРНАТИЛАДИГАН БАНДИИ ҚУЛФЛАР; ОСМА ҚУЛФЛАР; ЭШИК ОШИК-МОШИҚЛАРИ; УН ТЕГИРМОНЛАРИ; МЕТАЛЛ ҚИРКЎВЧИ ҚЎЛ АРРАЛАРИ; ПЛАШКА; МЕТЧИК; ФРЕЗ; Шу билан бирга корхона турли асбобларни ишлаб чиқариш учун буюртмалар қабул қилади. БУЮРТМА СИЗДАН - ХОМАШЁ БИЗДАН. Корхонамиз ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар билан қизиқувчи ташкilot ва шахсларга ўз манзилимизни эслатамиз: Тошкент ш., Гвардия кўчаси, 49-уй. Маълумот учун тел.: 35-13-98.

MONITORING FOREIGN NEWS FOR THE BBC. BBC Monitoring is part of BBC World Service. Our task is to provide a service of news and information from the world's media in both the vernacular and English, reporting on what is happening as it happens in our daily and weekly publications and on-line services. As part of our continued commitment to Central Asian coverage, we are looking for suitably qualified and experienced people to join our team of staff based in Tashkent. You will need good linguistic and journalistic skills, sufficient to enable you to listen to a broadcast in relevant language, select the important information and transcribe it quickly and accurately. A good understanding of news, in-depth knowledge of the country(s) where the language is spoken and a good awareness of international affairs is also required. We are currently looking for people to fill vacancies in Kazakh, Kyrgyz, Tajik and Turkmen. The work is computerised and involves regular shift and weekend work. For further information and an application form, please contact our Office Manager, Surayo Nurollayeva phone: 686212, 67, 670643 fax: 881285

BBC Monitoring, World Service. BBC Monitoring's Central Asia Unit based in Tashkent is expanding rapidly. As part of our programme of continued growth, we are looking for a suitably qualified and experienced Technician who will be able to take full responsibility for maintaining the Unit's technical equipment. This will include maintenance of satellite equipment; of the Unit's computers; of all audio and TV equipment; HF aerials and all other office electrical equipment. We need someone who, apart from carrying out these job responsibilities is flexible and co-operative and enjoys working with people, some from other cultures. You should be able to work on your own initiative and on occasions with minimal direction. A good knowledge of English is also required and good writing skills as the Technician will be responsible for ensuring maintenance records are kept up-to-date and accurate. For further information and an application form, please contact our Office Manager, Surayo Nurollayeva phone: 686212, 67, 670643 fax: 881285

Мен таърифламоқчи бўлган одамни иккинчи Белоруссия фронтда ҳамма танир эди, ҳатто фронт чизилган парчи томондаги душман ҳам уни обдон биларди.

Оғизга тушган бу одам билан бир фронтда жанг қилгандик. Биз ердаги танклар қўшинида, у киши «хаво танклари» қўшинида...

Лейтенант Абдусаттор Эшонқуловнинг жанговар ҳаракати Смоленск атрофида бошланди. Унинг зеноси энг яхши тилдаги «Ил-2» деган штурми самолётлар билан қуролланган эди. Са-

биринчисини ана ўшанда олган эди. Кейинги штурм фашистларнинг танклар колоннасини қарши қаратилганиди. Бу ҳужум ҳам Смоленск яқинида бўлиб ўтди. Утган галги «сабоқ»дан мулла бўлиб қолган немислар бу гал Абдусатторни пулемёт ва зенит тўплар ёмири билан қўриб олдилар. Эшонқулов ўз зеносини гуё бошқа ёққа олиб кетаётгандай қилиб йўлдан қайриб кетди. Немислар алданиб қолдилар. Буни сезган лочинларимиз

борди. Кейин танклар кетилган ўтган қўшинлар Висланнинг нариги қирғоғига — катта оператив кенгликка чиқиб олдилар. Эшонқулов Фарбий Польша еридаги танк йиғувчи заводини йўқ қилишдаги ҳаво операциясида ҳам жасорат кўрсатди. Уруш Германиянинг Помераниясида бораётган эди. Ҳолдан тойган фашистлар ҳамон фронтга янги-янги танклар юборишдан тўхтамади. Немис санюати Польшада ҳам

моша қилиш мумкин эди. Уясидан қўзғалган асалаари тўпи қандай ҳаракат қилганини кўргандирсиз, ҳавога жанг худди ана шундай ҳолатга ўхшаб қўринарди. Тахминан тўрт-беш квадрат километр осмон майдонида ҳаво жанги борарди. Ана шундай «карнавал» тахминан 20-25 дақиқа давом этди. Сўнгра шовқинсурон тинчиди, ҳавода тўптўп булдултур юргандай қора-қура тутун ва кукун сузарди.



50

ЧИНАКАМ МАТОНАТ
Икки оёғини фронтда қолди, тан инсон ва унинг вафодор рафиқаси ҳақида

Мамашокир Қосимов Витебск шаҳрини озод қилиш учун бўлган оғир жангда икки оёғини ажратди. Бир ярим йил госпиталдан-госпиталга ўтиб даволашиб, аранг чўп оёқларда тикка турди лекин юравамади. Врачларнинг эса боши қотарди. Энди ишма қилиш керак, икки оёқсиз ярим жон одамни қаерга юбориш керак.



Мамашокир Қосимов

«Уйда уни қабул қилишармикми?» — деган уй-ҳаёда врачлар Мамашокир акага билдирмасдан уйга, оиласига хат ёзиб, унинг қандай ҳолидалигини ба- тафсил маълум қилдилар. Борди-ю уйига қабул қилинмас, давлат умрбод боқажани ҳам эслатиб ўтадилар. Ярим ойда етиб келган хат туғайли анчадан бери хабар йўқлигидан кунли хижил бўлиб юрган Зебинисо аз хонадонидан байрам бўлиб кетди. Қариндoshi-ўруғлар бир-бирларидан суюнчи олдилар. Уша кун Зебинисо ака со- вилки Ўрага сирли мактуб, ко- мандирга эса ҳаво жати ёзди.

«Жонингиз таъанилганда бўлса бўлган, сизни куя қорачиқидек асаримиз» дейилган эди Зебинисо аканинг хатиди. Командирлар хатни урис тилига таржима қилиб, барча хар- билларга ўқиб берди. Хатни эшитган барча харбиллар ва но- гириллар сардакати Зебинисо акага ташаккурлар айтиб, Мама- шокир акани ҳамширалар ёрда- мига ўз уйига кузатиб қолди- лар.

Икки оёғини Россияда қол- дирган Мамашокир ака 1944 йил саратон ойда қаддон гу- шасига етиб келди. Унинг икки

халқимнинг ҳар қандай хизмати бўлса қиламан. Ҳатто, кишлоғимни, халқимни ва оиламни бир кўриб ўлсам армоним йўқ деганман — дер эдилар. Ховос туманининг Бағандқир кишлоғида ҳеч бир соҳа йўқ-ки Мама- шокир бобонинг уғил-қизлари, набабра ва чеваралари ишла- мабтган бўлса. Мамашокир Бо- бо фарзандларини воёга етказ- иб, барчасини жой-жайга қўйиб, виларини яшаб, ошлар- ни ошаб дундаг ўтдилар. У кишидан ўнга фарзанд, олпига набабра, ўлтатга чевара ва зва- ралар қолди. Шу кунларда улар- га сардакати ёр, меҳрибон Мама- шокир Зебинисо ака бош-қош. Бу Мамашокир бобонинг қирғи Зе- бинисо ака туғайли абадий ёни.

—Ҳақиқатдан ҳам онамиз фа- риштага ўшайдилар. — дейди биз билан суҳбатда ўғиллари Аб- душукр. — Қаранг, шундай тинч- лик замонда ўз ёрига хиёнат қил- лавганларни ашитсам ёки фар- зандини ташлаб кетаётганлар ҳақида газеталарда ўқиб қолсам, онамиз сардакати тисмоли бўлиб куя ўнгимда гаулавланади. Ўғиллари Абдушукрнинг сўзи- ни тинглаб биз ҳам камтарин- омон, сардакати ёр, меҳрибон Зебинисо ака Буюк ғалабанинг яқинлиши келаятган 50 йилли- ги билан чин дилимиздан таб- рик билдирдик.

Асадулло БЕРКАМ ўғли, Расул Эрмухаммад. СУРАТДА: Мамашокир Қосимов.

«ЛОЧИН»НИНГ ЖАСОРАТИ

молётларни биз севиб «хаво пиёда» дер эдик. Кейин- чалик обрўси ошиб «учувчи танк» дейдиган бўлдиқ. Уни- нг зарбини татиб қурган фа- шишлар эса бу машинамиз- ни «Қора вақт» дер эдилар. Уша вақтда «Т-34» танклар- имиз қандай машҳур бўлса «Ил-2» штурмчиларимиз ҳам шундай машҳур бўлиб қол- ганди.

Февралнинг совуқ кун- ларидан бири эди. Эшонқу- лов ўзининг қалин «зирх пўстин» кийган, икки оғизли пулемёт, икки тўп, енгил бомбалар «қўлтиқлаган» «Қора вабо»си билан катта йўлда немис автоколонна- ларига ҳужум бошлади. У ту- сатдан пайдо бўлиб, шўнғиб тушиб, пастлаб ҳужум қи- лишининг устаси бўлиб қол- ган эди. Автоколонна тепа- сига штурмчи самолёт пайдо бўлганини душман сезмай қолди. Колоннада ёнғин чи- қиб, портлашлар авж олган- дан кейингина фашистлар ҳушига келишди. Аммо, Эшонқулов ўз ишини қилиб улгурган эди.

Абдусаттор Эшонқулов етти жанговар орденини энг

зудлик билан орқага қайри- либ, пастлаб келиб қора чо- ли танкларнинг миёсида «ёнғоқ чақа» бошлашди. Штурм душман колоннаси- ни яқсон қилиш билан ажу- лланди. Катта лейтенант Эшонқу- ловнинг мардлиги ва мато- натидан ҳижоқ қилувчи бун- дай воқеаларни кўпалаб кел- тириш мумкин.

1944 йили Вислани кечиб ўтши операциясида қатнаш- ган эди. Даставвал нариги қирғоққа пийда десант ту- ширилди. Десант эгаллаган плацдармга танклар ва бош- қа қўшинлар ўтказилиши ке- рак эди. Бироқ немислар катта куч тўплаб плацдарм- даги пиёдаларни ўққа тут- а бошлади. Шунда Абдусаттор Эшонқуловнинг «Илю- шин»и жонга аро кирди. Унинг самолётлари қарши атака қилаётган душман тепа- сисига пастлаб учиб юриб, уларни битта-битталаб қира бошлади. Ҳаммаси бўлиб 15 дақиқа ичида қарши атака йўқ қилинди, плацдарм сақ- лаб қолинди. Тез орада у ер- га «Совет Ўзбекистони 20 йиллиги» танклари бостириб

қўчма ҳарбий заводлар ку- риб, Оврупода тайёрланган қисмлардан Польшада танк йиғишини йўлга қўйганди. Ана шундай танк йиғув за- води Пчашини шаҳрида жойлашган экан. Абдусаттор Эшонқулов операциясида иштирок этиб қаҳрамон бўл- ди.

Бу операцияни биз танк- чилар ҳам қизиқиб кузатган эдик. Тепамиздан бир эмас, бирварақайига 75 та «Илю- шин»лар учиб ўтди. Бундай штурмчи галани биринчи кў- рилишимиз эди. Бу ҳам томо- шами, уларнинг қанотлари- да, тепаларида мисоли аса- ларга кўзюлгандай гувиллаб оқ қушлар уча бошладилар — бир эмас бир эз элликти! Бу қирувчи дочинлар штур- мчиларимизни «Мис- сер»лардан ҳимоя қилиш учун кўтарилган эди.

Бир оздан кейин қарши- мизлаган осмон самолётлар билан қопланиб қолди. Фа- шишлар ҳам яқин атрофда- ги жами «Миссершмидт»ла- рини — қирувчи кучларини жангга ташлаганди. Узоқдан бўлса-да ҳаво жангини то-

Бу тарихий ҳаво ҳужуми жангларига тўртинчи ҳаво кучлари армиясининг кў- мондонни, генерал Вершинин раҳбарлик қилган эди. У штурмчиларимизнинг «иши»ни синчиқлаб кузат- ган экан. Бизнинг Абдусат- тор Эшонқулов зеносининг тўртлиги унинг назарига тушиб, эътиборини қозониб- ди. Жанглардан кейин Со- вет Иттифоқи Қаҳрамони унвоига тавсия қилди...

Эшонқуловдан аввал ҳам қаҳрамон бўлган ўзбек ўг- лонлари бир талай. Фаши- сдан қарши урушда 71 ўзбек пахлавони кўксига олий Ол- тин юлдуз нишонни тақдиди. 53 баҳодир солдат «Шухрат» нишонининг тўла эгаси бўл- ди. Бу ҳам иттифоқ қаҳра- монига тенг олий унвондир.

Капитан, кейинчалик майор Абдусаттор Эшонқу- лов Совет Иттифоқи Қаҳра- монни унвоига сазовор бўл- ганидан сўнг ҳам ўз туртки- лари билан Данциг — Гдан- скийдан тўртга то Галаба байроғи тикилганча фаши- стларнинг бошида ёнғоқ ча- қишдан, чарчамади.

Иброҳим РАҲИМ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Футбол

ТУРОНЗАМИН ЮРТЛАРИ СПОРТДА ҲАМ ЕПКАДОШ

Поштахизматдаги «Чилонзор» ўшнгоҳи қарий бир ҳафта мобайнида футбол муҳлисла- ри билан савжум бўлди. Бу ерда Марказий Осиё ўсмирлар терма жамоалари ўртасида халқаро турнир ўтказилди.

— Бу турнир анъанавий бўлиб, илгари у Ўрта Осиё ва Қозоғистон республика- ларининг ўсмирлар терма жамоалари тур- нири, деб аталарди. У фақат ўтган йили баъзи иқтисодий муаммолар туғайли ўт- казилмай қолганди, — дейди Ўзбекистон футбол федерациясининг етакчи мутахас- сиси Анатолий Тулик. — Бу йил биз ён қўшнларимиз билан футбол тараққиётни назарда тутган ҳолда яна алоқа бо- лаб, ёш авлод футболчилар учун жиғидий синов вазифини ўтовчи бундай турнир- ларни давом эттиришга қарор қилдик. Ма- салан, биз 18 ёшгача бўлган ўсмирлар турнирини ўтказишнинг барча ҳаражатла- рини ўз зиммамизга олдик. Кейинги ёш тоифалар ўртасидаги бундай турнирлар шу ойда Қозоғистон, Тожикистон ва Қир- гизистонда ҳам ўтказилади, турнир ҳа- ражатлари мезонлар зиммасига тушади.

Table with 7 columns: Y, O, D, M, T, N, O. Row 1: 3, 3, 0, 0, 8, 1, 9. Row 2: 3, 1, 1, 1, 4, 4, 4. Row 3: 3, 0, 2, 1, 2, 3, 2. Row 4: 3, 0, 1, 2, 0, 5, 1.

Турнирнинг сўнги кунни биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар мутлақ голиблик учун яна майдонга чиқишди. Бу сафар ҳам жамоамиз қозоғистонлик футболчиларни дастлабки учрашувдагидек 3:1 ҳисобида мағлуб этишди. Ҳар бир учра- шувда майдондан «қуруқ» чиқмаган Мубо- рақнинг «Машъал» жамоаси ҳужумчиси Ан- вар Бердиев бу гал ҳам рақиб дарвозасига тўп киритишга эришди. Шунингдек, мух- лислар ва мутахассислар терма жамоамиз таркибиде майдонга чиққан Отабек На- биев, («Чилонзор»), Алексей Мануйленко («Нефтичи»), Исмоил Отамуродов («Дина- мо») С. Соли Курбанов («Темирўлчи»), Ни- колай Голденко («Зарафшон») каби футболчиларнинг уйинларига юқори баҳо беришди. Учинчи ўрин учун ўтказилган учрашувда тожикистонлик футболчилар киргизистонлик тенгқурларини 2:0 ҳисо- биде мағлубиятга учратишди. Турнирдан сўнг жамоамиз бош мураббийи В. Суянов ўсмирлар терма жамоасига 54 фут- болчининг номзоди борлигини, лекин улар- нинг ҳаммасини синовдан ўтказиб ул- гирмаганлигини айтиди. Шунга қара- май у келаси йили Осиё чемпионати саралаш уйинлари- га асосан Тошкент турнирида синовдан ўтган футболчилар- ни олиб чиқишни мўлжаллаётганли- гини таъкидлади.

Р. ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Туркменистонликлар ўзлари учун худудий жиҳатдан қулайроқ бўлган қитъанинг бош- қа бир турнирида қатнашишни ихтиёр этиш- ди.

Тошкент турнирида жамоамиз рақибла- рига нисбатан ҳар томонлама устуник қи- лишди. Ҳамюртларимиз сўнги турда кир- гизистонлик футболчиларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди ва биринчи ўринни эгаллади:

Table with 7 columns: Y, O, D, M, T, N, O. Row 1: 3, 3, 0, 0, 8, 1, 9. Row 2: 3, 1, 1, 1, 4, 4, 4. Row 3: 3, 0, 2, 1, 2, 3, 2. Row 4: 3, 0, 1, 2, 0, 5, 1.

Турнирнинг сўнги кунни биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар мутлақ голиблик учун яна майдонга чиқишди. Бу сафар ҳам жамоамиз қозоғистонлик футболчиларни дастлабки учрашувдагидек 3:1 ҳисобида мағлуб этишди. Ҳар бир учра- шувда майдондан «қуруқ» чиқмаган Мубо- рақнинг «Машъал» жамоаси ҳужумчиси Ан- вар Бердиев бу гал ҳам рақиб дарвозасига тўп киритишга эришди. Шунингдек, мух- лислар ва мутахассислар терма жамоамиз таркибиде майдонга чиққан Отабек На- биев, («Чилонзор»), Алексей Мануйленко («Нефтичи»), Исмоил Отамуродов («Дина- мо») С. Соли Курбанов («Темирўлчи»), Ни- колай Голденко («Зарафшон») каби футболчиларнинг уйинларига юқори баҳо беришди. Учинчи ўрин учун ўтказилган учрашувда тожикистонлик футболчилар киргизистонлик тенгқурларини 2:0 ҳисо- биде мағлубиятга учратишди. Турнирдан сўнг жамоамиз бош мураббийи В. Суянов ўсмирлар терма жамоасига 54 фут- болчининг номзоди борлигини, лекин улар- нинг ҳаммасини синовдан ўтказиб ул- гирмаганлигини айтиди. Шунга қара- май у келаси йили Осиё чемпионати саралаш уйинлари- га асосан Тошкент турнирида синовдан ўтган футболчилар- ни олиб чиқишни мўлжаллаётганли- гини таъкидлади.



Р. ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Р. ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Луқма

ИШОНЧСИЗ ШЕРИК

Анджонда (Тошкетда ҳам бўлими бор) «ИНТЕРЎЗБЕКИСТОН» ташқи иқтисодий, ил- мий-ишлаб чиқариш савдо бирлашмаси фао- лият кўрсатмоқда. Бирлашма ҳўжамаклар, қор- хона, муассаса ва фуқароларга арзон нархда озиқ-овқат маҳсулотлари, безгин, газ, сув ку- вурлари, дори-дармонларни сотиш ёки мол ала- маштириш билан шуғулланади.

Лекин бу ташкилот билан алоқа қилишга шо- шилманг. Алданиб қолишингиз мумкин. Чунки бирлашма раҳбарлари сўзларининг устидан чи- қишмайди.

Масалан, ташкилот вакили ўтган йил охирида «Халқ сўзи» газетаси редакциясига шахсан келиб, реклама беришни сўраган ва ҳақини дарлоқ тў- лашга ваъда берганди. Биз эълонни чоп этдик. Лекин бирлашмадагилар ваъдаларини унуттишди. Мана, қарийб беш ойдики, эълон ҳақини тўлаш- гани йўқ. Редакцияни алдаган бирлашма маъму- рияти бошқаларни ҳам чўв туширмаслигига ким қафолат берарди!

ХОМИЛЛАР ЁРДАМИДА

Алишер Навоий номидаги Намаган вилоят мусиқий драма ва комедия театри томошабинларини журналист Муҳаммадали Эргаш пьесаси асосида тайёрлаган «Қочқоқ эстрадасен» спектаклига так- лиф қилди. Пьесани сахна- лаштириш учун кетадиган ҳамма харажатларни хомиллар — «Хурриятбону» ишлаб чи- қариш-техника базаси жамоа- си ўз зиммасига олди. Бу ҳазил пьеса «Рухият» билан боғлиқ тамойилларга ҳидан ташқари берилиш қан- дай оғир оқибатларга олиб ке- лиши ҳақида ҳикоя қилади. Спектаклни театрининг ба- дий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат ар- боби Карим Йўлдошев саҳ- налаштирган. Ролларни теат- рининг етакчи актёрлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсат- ган артист С. Соҳибов, арти- стлар С. Омонов, С. Сарим- соқов ва бошқалар ижро эт- ган.

РЕСПУБЛИКА ҲИССАДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

«Пойабзал ва спорт» моллари Тошкентда- ги омордан таклиф қилади: Кўйлақлар (енги ва енгил калта, Англия маҳсулоти) «Карло Сильвестр», «Пауло Вер- ди», «Альберто Морелли» фирмалари Эркалар туфлилари Аёллар пантолелари Барча моллар узоқ хорижий мамлакатлар- да ишлаб чиқарилган. Ранг-баранг кўринишли Кўтара ва эркин сотилади. Кўйдоғи манзилга мурожаат қилиш: Тошкент шаҳри, Тол-ариқ кўчаси, 26 уй. Янгиобод мавзеси, «Роҳат» кўли томон- да. Телефонлар: 96-56-10; 98-47-92; 98-47-95. Факс: 98-47-96; 98-33-52.

«ДУМБРОБОД» ЯНГИ МЕБЕЛЬ ДУКОНИГА МАРҲАМАТ!

Савдога - АҚШ, Германия, Малайзия ва бошқа мамлакатларнинг мебеллари Нархлари-ўртача. Дам олиш кунларисиз соат 9.00 дан 19.00 гача ишлайди. Мебель буюртма билан уйга элтиб борилиши мумкин. Манзил: Фарҳод кўчаси, 17-а. Метронинг Чилонзор бекати, 16 ва 19- троллейбус, 75 ва 98-автобус ҳамда 71-йўналишли автобуснинг «Трудная хирургия» бекати.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев. БУДИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Кишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодий 36-36-65; Мавнавият 36-35-60; Аxbорот 36-29-89; Тунги муҳарририят 33-10-28. • МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — К. Рихиев. Навбатчи — Е. Эшмуродов.